




Бажарувчи ташкилотини танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Қўштепа – 2022

Танлов иштирокчилари учун техник топширик

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Мактабгача таълим бўлимига қарашли 45-сонли ДМТТ да жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш

- 1.2. Танлов охирги қиймати 64 370 210 сум . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қўриб чиқилмайди.
- 1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунларп бўича ютнб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади

- 1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 календар кун.
- 1.5. Ишларни бошлаш муддати аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Фаргона вилояти Қўштепа туман Мактабгача таълим бўлими.(бундан кейин- "Буюртмачи" деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Қўштепа тумани Шодлик МФЙ.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов - “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда. белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади: танлов предмети қийматини камида 10 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қароватномаси. ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва вақолатлар;
- танлов объектга ўрнатиш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- ўз қўллари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар(хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажрағилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар. ҳамда муассислик қилишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭГИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон қўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар. маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига қўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак;

- Нархлар қисми. Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида. хизматларни бажариш муддатлари. туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичлар қўрсатилган бўлиши керак.

- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тулдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- такдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тулиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.5. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Толиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлаг буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида танловда

иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул


қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан қаида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда қўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров қелиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин қелиб тушган бўлса ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига дойир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни қўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни қўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойир тушунтиришларни такдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлаг буюртмачиси бундай сўров қелиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда қўрсатилган шартлар асосида тузилади.



**Қўштепа тумани Хумдон МФЙда жойлашган 45-ДМТТ биносини
жорий таъмирлаш ишлари бўйича**

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Пудратчи ташкилотнинг тулик юридик манзили, солиқ ва банк реквизитлари
2. Корхона гувоҳномаси
- 3 Корхона низоми
4. Тижорат таклифи (ўзбек тилида ёки латин алифбосида) таъмирлаш учун таклиф қилинган сумма бўлиши ва ишларни бажариш муддати.
- 5 давлат буюртмачиси (ташкилот) рахбари номига энг яхши таклифда катнашиш учун алоқа хати.
- 6 Ушбу объект учун ишланган бажариладиган ишлар офёрта
7. материаллар ведомости
8. Пудратчининг банклардан қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги тижорат банки маълумотномасининг асл нусхаси. (энг яхши таклиф ўтказиш кунига 5 иш куни бўйича)
9. ҳисоб рақамида объектнинг умумий қийматининг 30% миқдорида пул маблағлари мавжудлиги.
- 10 Ҳисобот чорагида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги ҳақида ҳудудий ДСИнинг маълумотномаси асл нусхаси. (энг яхши таклиф ўтказиш кунига 5 иш куни бўйича)
- 11 Зарурий техникаларнинг мавжудлиги (таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун)
- 12 Малакали ишчи ходимларининг мавжудлиги
13. пудрат ташкилотининг уч йиллик бажарган ишлар тўғрисидаги маълумотлар. (ташкилот ва идоралар кесимида) ва ижобий хулосалар олинганлиги.
14. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотнома.

15. Смета лойиҳаси сарф харажатлари ғолиб ташкилот томонидан қопланади.

16. Пудратчи билан ҳисоб-китоблар миллий валюта сумда амалга оширилади

17. Барча ҳужжатлар узбек тилида тайёрланиши зарур.

18. Пудрат ташкилотини электрон базадаги рейтинги .

19. Ғолиб деб топилган иштирокчи билан шартнома имзолангандан сунг олдиндан 30% тўлов амалга оширилади қолган 70% тўлов иш якунланиб иш ҳажми, сифати комиссия аъзолари томонидан текширилгандан сунг тўлаб берилади

20. Энг яхши таклифга қуйиладиган иш хизматлар қиймати ККС сиз (без НДС) эканлиги инобатга олинсин.

21. таклифлар комиссияси томонидан ЎРҚ-684-сон қонуннинг барча талаблари бўйича қўриб чиқилади.

22. Таъмирлаш ишларини смета лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида, таклиф тақдим этаётган субъектлар томонидан тижорат таклифи қиймати буюртмачи томонидан тақдим этилаётган қийматнинг 90% пасаймаслиги шарт. Чунки таъмирлаш ишларини бажаришлик эҳтимоллиги комиссия томонидан инобатга олинади ҳамда умумий қийматнинг 90%дан пасайтирилган тақдирда қўриб чиқилмайди.

**Қўштепа тумани мактабгача
таълим бўлими ЭХ бошлиғи:**



Р.Тошхўжаев